

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

“Меҳнат ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи” кафедраси

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини
назорат қилишни ҳуқуқий тартибга солиш

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Фуқаролик ҳуқуқий
фаолият” йўналиши талабаси

Абдиев.У.Р.

Илмий раҳбар: “Меҳнат ва ижтимоий
таъминот ҳуқуқи” кафедраси мудири,
ю.ф.н. **Саттарова.Г.Д.**

Тошкент - 2014

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....3

1- Боб. Мехнатни муҳофаза қилиш тушунчаси вазифаси ва аҳамияти.....

1.1. Мехнатни муҳофаза қилиш тушунчаси.....

1.2. Мехнатни муҳофаза қилишнинг вазифалари ва узига хос хусусиятлари.....

1.3. Мехнатни муҳофаза қилишни амалга ошириш чоралари.....

II боб Мехнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш.....

2.1. Мехнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан давлат назорати.....

2.2. Меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш усуллари ва тартиби.....

2.3. Мехнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишда жамоат назоратининг ўрни.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар

Кириш.

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат соҳасида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш бош қомусимиз ҳисобланадиган Конституциямиз нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таққиланади деб белгилаб қўйилган. Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини ўстиришнинг ғоят муҳим омили сифатида унинг бандлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаткамлаш, ушбу масалаларни ҳал этишда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ролини фаоллаштириш ҳамда жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек улар фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш соҳасидаги долзарб вазифалар мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилаётган буюк давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо қилишдек юксак ғояларни рўёбга чиқаришга имкон беради.

Маълумки, кишилиқ жамиятининг тараққиёт тарихида меҳнатнинг роли беқиёс каттадир. Меҳнат инсон ҳаётининг асосий шarti бўлиб ҳисобланади. Иш билан таъминлаш ва бандлик масалаларига оид муаммоларни муваффақиятли ҳал этилиши, фуқароларимизга Конституциямиз ва қонунларимиз билан кафолатлаб қўйилган эркин касб-кор, иш тури ҳамда жойини танлаш, адолатли меҳнат шароитларда ишлаш ҳуқуқлари тўла рўёбга чиқарилиши учун давлат ҳамда жамият томонидан зарур чоралар кўрилиши нафақат иқтисодий тараққиёт омили, балки жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, фаровон ҳаётга эришиш, ҳар бир шахсга ўз инсоний салоҳиятини ўзи ва оиласи, давлат —жамият манфаатларига тўлиқ сафарбар қилишнинг муҳим воситаси саналади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “Менинг сизларга мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саҳоватли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик”¹ деган эди.

Фуқароларимизнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари ва уни амалда таъминлашга оид ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунда ва улар асосида қабул қилинган бошқа кўплаб қонун ҳужжатларида ҳамда давлатимиз томонидан ҳаётга изчил татбиқ этиб келинаётган кенг қамровли ижтимоий дастурларда назарда тутилган бўлиб, улар амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларимиз мазмун-мақсадига асосланади ва ушбу ислохотларимизнинг муҳим йўналиши, таркибий қисми бўлиб саналади.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари: Битирув малакавий ишнинг мақсади Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишни ҳуқуқий тартибга солишни назарий ҳуқуқий жихатдан ўрганиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш борасида мамлакатимиз қонунчилигига киритиш учун тегишли таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари битирув малакавий иш белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси вазифаси ва аҳамиятини ўрганиб чиқиб, буни доирасида:

- меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчасини атрофлича ўрганиб чиқиш;

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси “ХАЛҚ СЎЗИ”. 2010 йил 13 ноябрь

- меҳнатни муҳофаза қилишнинг вазифалари ва узига хос хусусиятларини назарий ва амалий жihatдан ўрганиб таҳлил етиш;

-меҳнатни муҳофаза қилишни амалга ошириш чораларини ўрганиб чиқиш;

Иккинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишни ўрганиб, буни доирасида:

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишни ўрганиб чиқиш;

- меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш усуллари ва тартибини назарий ва амалий жihatларини ўрганиб чиқиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишда жамоат назоратининг ўрнини ўрганиб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилишга оид иш берувчи ва ходимлар ўртасида вужудга келадиган меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ бўлган муносабатлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг предмети меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган, меҳнат муҳофазасини белгилаб берувчи, меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий актлардан иборат қонунчилик тизими ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги шундан иборатки, аввало, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишни ҳуқуқий тартибга солиш мавзуси доирасида қуйидаги амалга оширилган ишлар маскур мавзунинг илмий янгилигини ташкил қилади. меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси, меҳнатни муҳофаза қилишнинг вазифалари ва узига хос хусусиятларини, меҳнатни муҳофаза қилишни амалга ошириш чораларини ўрганиш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар монографик даражада ўрганилди. Амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли

қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган айрим хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Амалга оширилган таҳлил натижаларида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан меҳнат муҳофазасига доир ишларни амалга оширишда корхоналарда жамоа шартномалари ва шунингдек бошқа локал хужжатларни тузишда фойдаланса бўлади.

Битирув малакавий ишнинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишни ҳуқуқий тартибга солишга оид масалалар миллий олимларимиз А.А.Иноятов, М.А.Усманова, Й.Турсунов, Б.Исраилов, Ш.Исмоилов, М.Ю.Гасановлар тамонидан айрим у ёки бу жихатлари ўрганилган бўлиб, асосан ўқув адабиётлари доирасида ўрганилган.

Химояга тақдим этилган иш айнан меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишни ҳуқуқий тартибга солиш мавзусини комплекс даражада ўрганишга ҳаракат қилинган.

1.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси.

Кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги, иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш, иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштирилади.

Қулай меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқи — фуқароларнинг муҳим конституциявий ҳуқуқларидандир. Ушбу ҳуқуқларни амалда таъминлаш меҳнат муҳофазасига оид қонун хужжатлари талабларини оғишмай бажариш йўли

билан шахсларнинг яни ходимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш мумкин бўлади. Меҳнат муҳофазаси инсон меҳнати, соғлиғи ва ҳаётига бевосита дахлдор масала бўлиб, уни ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кенг ва тор маънода англамоқ лозим¹.

Кенг маънодаги меҳнат муҳофазаси-бу меҳнат фаолияти жараёнида инсон ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация ва бошқа тадбирлар тизимидан иборатдир. Меҳнат муҳофазасининг бундай кенг маънодаги тушунчаси хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлашга қаратилган бўлиб, барча воситаларни, яъни ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий-техникавий, тиббий ва бошқаларни ўз таркибига олади. Бу тадбир Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”² 1993 йил 6 майдаги қонунида мужассамлашган.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, корхоналардаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Маъмурият корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаши, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатиши ва бу ҳақда ўз вақтида ходимларни хабардор қилиб туриши шарт. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари корхона лойиҳаланиши, қурилиш ва фойдаланишга топширилишидан бошлаб, ишлаб чиқариш жараёни давомида ҳам узлуксиз амала оширилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан стандартларни аниқлаш қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради. Меҳнатни муҳофаза қилиш

¹ Турсунов Ю. “Меҳнат ҳуқуқи” дарслик. Т., ТДЮИ, 2011., 311 б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда); 2002 й. 1-сон, 20-модда.

талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади¹.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати асослари баён этилган бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлиги бу сиёсатнинг бош қоидаларидан бирини ташкил этади².

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади. Шуниси ҳам эътиборлики, корхоналарнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий суғурта қилинишлари шарт қилиб белгиланган. Қонунларимиз ходимларнинг айрим тоифаларига (чунончи, хотин-қизлар, ёшлар, меҳнат қобилияти чекланганлар) янада қулайроқ меҳнат шароитларини яратади. Масалан, меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида аёллар меҳнати тақиқланади (айрим санитария ёки маиший хизмат кўрсатиш ишларидан ташқари), аёлларнинг улар учун мумкин бўлмаган нормадаги юк кўтаришлари ва ташишлари ман этилади. Шунингдек, бундай талаблар ходимлар ўн саккиз ёшга етмаган бўлса ҳам қўлланилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси 211-м. <http://www.lex.uz>

² Қаранг: (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда); 2002 й. 1-сон, 20-модда.

Маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун тоvon тўлайди. Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномасида белгиланади ва у жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхона тегишли ҳуқуққа эга бўлган шахсларга моддий зарарни қонунларда белгиланган тартиб ва миқдорларда қоплайди.

Меҳнат кодексининг 9-моддаси меҳнат соҳасидаги давлат бошқаруви, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишга бағишланган бўлиб, унга асосан, меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади.

меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар, тенг имкониятларни таъминлаш¹

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фақат меҳнат муҳофазасининг кенг маънодаги тушунчаси хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлаб бера олади. Агар унинг бирорта компоненти (ҳуқуқӣ, тиббӣ, иқтисодӣ ёки техникавӣ) етарли таъминланмаса, умуман меҳнат муҳофазаси таъминланмай қолади². Булар жумласига ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортишни тақиқловчи, ходимларни ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказишни чекловчи, иш вақти чеараларини белгиловчи ҳамда бошқа кўплаб қулай меҳнат шароитлари яратилишга қаратилан юналишлар киради.

¹ Турсунов Й, Усмонова М «Меҳнат ҳуқуқи», Дарслик. Т., 2006 йил.

² К.Н.Гусев, В.Н.Толкунова. Учебник. Трудовое право России. Изд. «Юрист». М., 1997. стр.341.

Тор маънода эса меҳнат муҳофазаси атамаси ходимлар учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш участкаларида техникавий, санитария-гигиена шароитларини таъминлаш мақсадида белгиланган стандартлар ва нормативларнинг ишлаб чиқилиши ва уларга амал қилишни таъминлашга оид иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий манбаи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш» ва бошқа қоидалар, Ўзбекистон ҳукуматининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид қарорлари, вазирликлар идораларнинг ишлаб чиқаришдаги техник хавфсизлиги, санитария ҳамда гигиенага, профилактикага оид йўриқномалар, стандартлар, техникавий шартлар, маҳаллий давлат ҳокимият оранларинин қарорлари, корхона ва ташкилотларнинг бевосита ўзида ишлаб чиқилан, иш берувчилар ҳамда ходимлар вакиллик оранлари билан ўзаро келишиб тасдиқлаган меҳнатни муҳофаза қилишга оид локал меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги “Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида мазкур вазирликка меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат шароитларини, уни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва нормалаш тизимини такомиллаштириш бўйича бозор шароитларига мос келадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2001 йил 13 февралда 73-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур қарорда Меҳнат ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташкилий масалалари ҳал этиб берилган¹.

Меҳнат кодексининг 211-моддаси кўра, меҳнат муҳофазаси меҳнат муносабатларининг муҳим таркибий элементи ҳисобланиб, ундан иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам муҳим ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужуда келади.

Хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларида ишлаш фуқароларнинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида инсон, ҳаёти ва соғлиғи энг бебаҳо бойлик сифатида қадрланади ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларида биринчи даражада муҳофаза этилади. Ходим, унинг ҳаёти ва саломатлиги аҳволи бирламчи бўлиб, корхонанинг, иш берувчининг манфаатлари иккинчи даражалidir. Шу сабабли инсон учун хавф-хатар туғдирадиган ишлаб чиқаришни ташкил этилишига йўл қўйилмайди. Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилиш билан боғлиқ булган фаолият ва жараёнларда қўлай ва хавфсиз ходимнинг соғлиғига шикаст етказмайдиган меҳнат шароитларини яратишга оид кўплаб чора тадбирлар тегишли давлат органлари вазирлик ва идоралар тамонидан амалга оширилмоқда. қонунга биноан, меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини олишга қаратилган санитария-гигиена шароитларини таъминлаши шарт. Бу мавзунинг ўрганишда меҳнат муҳофазаси тушунчасини англаб –тушуниб олиши талаб этилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчасига тариф берадиган бўлсак энг аввало, меҳнатни муҳофаза қилиш тегишли қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат саломатлиги ва иш қобилиятини сақланишига юналтирилган ижтимоий иқтисодий, ташкилий техникавий чора тадбирлар асосида меҳнат

¹ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2001 йил, 3-4-сонлари, 14-модда.

муносабатларида ходимларнинг хавфсизлигини таминлаш тушунилади¹. меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий табиий ҳуқуқларидан бири сифатида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам тўла эътироф қилинган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари корхона лойиҳаланиши, қурилиш ва фойдаланишига топширилишидан бошлаб, ишлаб чиқариш жараёни давомида ҳам узлуксиз амалга оширилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан стандартларни аниқлаш қонун ҳужжатлари билан белгиланади².

¹ Турсунов Й., «Меҳнат ҳуқуқи», Дарслик. Т., «Молия», 2002 йил.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 7 январда 870-тартиб раками билан давлат рўйхатига олинган «Меҳнат муҳофазасига оид йўриқномалар ишлаб чиқиш» низоми.

1.2. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг вазифалари ва узига хос хусусиятлари.

Меҳнат тўғрисидаги барча қонунлар ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини муҳофаза қилади. Лекин бевосита меҳнатни муҳофаза қилишга - хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш ва таъминлашга, меҳнатни муҳофаза қилишга, хавфсизлик қоидалари ва меъёрларига риоя этилишини назорат қилишга, бу ҳақдаги қоида ва меъёрларни бузгалик учун жавобгар бўлиш масалаларига бағишланган қонунийлик меъёрлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” 1993 йил 6 майдаги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнати муҳофаза қилиниш ҳуқуқига эгадирлар¹.

Меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, ходимлар меҳнатини самарали рўёбга чиқарилишини ҳимоя қилиш, уларга меъёрий, соғлом меҳнат шароитлари яратилишида меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади, қулай иш шароитлари яратиб беришнинг асосий шартларидан саналади. Бозор иқтисодиёти шароити даврида ёлланиб ишловчи ходимлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг муҳим омили сифатида меҳнат муҳофазаси норма ва қоидалар етакчи ўринда туриши эсда сақланмоғи керак.

Шу маънода меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари Меҳнат муҳофазасига оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг юқорида зикр этилган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” 1993 йил 6 майдаги қонуни ва “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги қонунлари² муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда); 2002 й. 1-сон, 20-модда.

² Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 14-сон, “Адолат” нашриёти, Т., 1997 йил, 32-бет.

Мазкур қонун фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнати муҳофаза қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Мазкур қонуннинг 2-моддасида меҳнат муҳофазасининг тушунчаси кенг тарзда баён этиб берилган. Бунга кўра, меҳнатни муҳофаза қилиш-бу тегишли қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сихат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, тахникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборатдир¹.

Мулкчилик шаклидан ва ҳўжалик юритиш усулидан қатъи назар барча корхона, ташкилотлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан бажарилиши шарт бўлган талаблар, стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб, корхоналарда меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қонунчиликни таъминлашда ушбу талабларнинг аҳамияти катта.

Шунингдек, ходимларнинг айрим тоифалари, вояга етмаганлар, аёллар, ногирон ва бошқалар ҳамда айрим ишлар, касблар, иш жойларида банд бўлган ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишга доир қўшимча чоралар ва кафолатлар нималардан иборат эканлиги ўзлаштирилиб олмоғи керак. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид бўлган талаблар ҳамда қоидаларни назарда тутувчи қонунчилик тизими Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (211-223-моддалар), "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонун, "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги бошқа қонунлар ҳамда улар асосида қабул қилинадиган қонун ҳужжатларини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда); 2002 й. 1-сон, 20-модда.

қарорлари ушбу соҳадаги қонунчилик тизимининг муҳим таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси саноатда ва кончиликдаги ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасини саноатда ва кончиликдаги ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига айлантириш тўғрисида"ги фармони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги "Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш тўғрисида"ги 555-сонли қарори кабилар. Меҳнат муҳофазасига оид бўлган техникавий стандартлар, намунавий Низом ҳамда қоидалар ваколатли давлат идоралари томонидан ишлаб чиқилади ва жорий этилади¹.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг кафолатлари аниқ белгиланган бўлиб унга кўра қўйидаги ҳолатлар келтирилган:

Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини таъминлаши шарт.

Ходимнинг саломатлиги ёки ҳаётига хавф туғдирувчи вазият пайдо бўлганда, у бу ҳақда зудлик билан маъмуриятга хабар қилади, бу ҳол назорат органлари томонидан тасдиқланган тақдирда маъмурият ишни тўхтатиши ва хавфни бартараф этиш чорасини кўриши лозим². Маъмурият томонидан зарур чоралар кўрилмаган тақдирда, ходим ишни хавф бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир ва унга ҳеч қандай интизомий жазо берилмайди.

Агар меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан тасдиқланган, ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги учун тўғридан-тўғри жиддий хавф ҳамон

¹ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси. 2000 йил, 12-сон, 162-168-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси. 2000 йил, 12-сон, 162-168-бетлар.

сақланиб турган бўлса, ундан ишни қайта бошлашни талаб қилишга ҳақли эмас ва ходимга иш тўхтатиб турилган бутун давр учун барча моддий зиённи тўлаши шарт. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузган ва бу назорат қилувчи идоралар томонидан тасдиқланган тақдирда, меҳнат шартномаси ходимнинг аризасига кўра, унга ишдан бўшаганда бериладиган пул тўлангани ҳолда, исталган пайтда бекор қилиниши мумкин.

Ходимда касб касаллиги белгилари аниқланган тақдирдаиш берувчи тиббий хулоса асосида уни ихтисосини ўзгартиргунга қадар ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказиши лозим.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг вазифалари. Меҳнат муҳофазаси вазифалари Й.Турсуновнинг “Меҳнат ҳуқуқи”, А.А.Иноятовнинг Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи” дарслигларда энг аввало, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва меҳнат қобилияти сақланишини таъминлашдан иборат бўлади. Корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим деб белгиланган.¹

Меҳнат муҳофазаси вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган бўлиб, мушбу қонуннинг 13-моддасига биноан, Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш иш берувчи зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя

¹ Й.Турсунов. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик . Т. ТДЮИ.2009. 138б., А.А.Иноятов Ўзбекистон республикасининг меҳнат ҳуқуқи

воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади¹.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги қатор ҳуқуқлари меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 16-21-моддаларида, шунингдек Меҳнат кодексининг тегишли нормаларида акс эттирилган бўлиб, меҳнат муҳофазаси талаблари ходим ишга қабул қилинган вақтдан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 16-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир ходим:

муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار бериш орқали таъминланадиган дам олиш;

хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;

ОТМ лар учун Дарслик. Т. Очиқ жамияти интситути. 2002й. 178б.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда); 2002 й. 1-сон, 20-модда.

қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;

ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;

жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадир¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасига биноан Корхона соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришларнинг ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида — дастлабки тарзда ва меҳнат шартномаси амал қиладиган даврда вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортсалар ёки ўтказилган текширишларнинг натижалари бўйича тиббий комиссиялар берадиган тавсияларни бажармасалар, маъмурият уларни ишга қўймаслик ҳуқуқига эгадир. Ходим, агар у ўзининг саломатлиги ёмонлашиши меҳнат шароити билан боғлиқ деб ҳисобласа, навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тиббий кўрикларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади².

Меҳнат муҳофазасига оид қоида ва стандартларга кўра муайян ишни бажаришга ходимнинг қўйилиши учун у махсус ўқитилиши ва имтиҳон топшириши лозимлиги белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда ушбу ишлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси 16-м. <http://www.lex.uz->

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда); 2002 й. 1-сон, 20-модда.

хавфсизлиги ва эксплуатация қоидалари юзасидан ўқитилиши лозим. Ходимни бундай ўқитишдан бўйин товлашига йўл қўйилмайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг 19-моддасида кўрсатилганидек: Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт. Иш берувчи барча янги ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатишни ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

Ўта хавфли ишлаб чиқаришларга ёки касбий танлов талаб қилинадиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳонлар топшириладиган ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестациядан ўтиладиган ўқув ўтказилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриқлар бериш ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакаси мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт¹.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг кўпгина ҳукукий ҳужжатлари меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш гигиенасига бағишланган, уларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасидаги давлат сиёсатининг принциплариға оид (155-сонли Конвенция ва 164-сонли Тавсиялар);

¹ Қаранг: (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 223-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда); 2002 й. 1-сон, 20-модда.

- 2) Корхона ва ташкилотларда меҳнат гигиенаси хизматларини ташкил қилишга оид (161-Конвенция ва 171-Тавсиялар);
- 3) умумий ва тармоққа оид техника хавфсизлигига оид акслар (119-сонли Конвенция ва 118-Тавсиялар) ;
- 4) ишлаб чиқаришда бахсиз ҳодисларнинг олдини олишга қаратилган (174-Конвенция, 181-Тавсиялар);
- 5) юкларни кўтариш ва ташишга оид халқаро стандартлар (127-Конвенция, 128 тавсиялар) ;
- 6) алоҳида хавфли ишларда банд бўлганларни тиббий кўрикдан ўтказишга оид актлар (97-сонли Тавсиялар) ;
- 7) саноатда, савдода, кишлоқ хўжалигида, қурилишда, транспортда, тоғ-кон саноатда меҳнатни инспекция қилишга оид ҳужжатлар (81-сонли Конвенция, 129-сонли Конвенция, 81, 82, 133-сонли Тавсиялар).

Ушбу Конвенцияларнинг барчаси уларни ратификация қилган давлатлар зиммасига ишлаб чиқаришда ва бошқа меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий соҳаларда ходимлар ҳаёти, саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, зарур самарали меҳнат муҳофазаси тизимларини яратиш мажбуриятини юклайди. 181-сонли Конвенция меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш гигиенаси талаблари бажарилиши устидан инспекция тизимлари ўрнатиш, улар иш фаолиятини таъминлаш, уларга зарур ваколатлар бериш лозимлигини кўзда тутади.

1.3 Меҳнатни муҳофаза қилишни зарурлиги ва уни амалга ошириш чоралари.

Мехнатни муҳофаза қилишни амалга ошириш бир нечта усуллар ёрдамида амалга оширилади.

- 1.Ташкилий ҳуқуқий
2. қушимча ҳуқуқ ва кафолотлар
3. бахтсиз ходисаларнинг оқибатлари

Ташкилий ҳуқуқий асосда мехнатни муҳофаза қилишнинг чоралари ходим ишлайдиган корхонанинг ички тартиб йўриқномасида белгиланиши ва тиббий курик ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасига биноан иш берувчи соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришнинг ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида-дастлабки тарзда ва меҳнат шартномаси амал қиладиган даврда вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. 214-моддасида тиббий кўрикдан ўтказиш белгиланган. Иш берувчи қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт: 18 ёшга тўлмаганлар;60 ёшга тўлган эркаклар, 55 ёшга тўлган аёллар, ногиронлар, меҳнат шароитини ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар, озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар, умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари¹.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишиб, “Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида 1995 й., 21 декабр. (Ахб. 1996 й., № 1-илова.)

тўғрисида” 2012 йил 200-сонли буйруғи чиқарилган¹. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устивор эканлиги Ўзбекистон Республикасида юритилаётган давлат сиёсатининг асосий принципларидан саналади. Шунга мувофиқ равишда мулкчилик шакли, хўжалик юритиш усулидан қатъи назар барча тадбиркорлик субъектлари ва бошқа муассаса ҳамда ташкилотлар ўз ходимлари соғлиғига зиён етказмаслик чораларини кўришлари, ана шундай хавф-хатар туғилганда эса, уни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришлари шарт. Меҳнат шартномаси чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик меҳнат фаолияти давомида вақти-вақти билан ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиб туриш, ходим саломатлиги аҳволини мунтазам равишда кузатиб бориш, касалликлар юз беришини олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради. Қонун ҳужжатларида назарда тутиб қўйилган ҳолларда ишга қабул қилишдан аввал, кейинчалик эса вақти-вақти билан ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиб туриш барча турдаги корхоналарнинг иш берувчиларига юклатилган мажбурият бўлиб, ушбу қонун талабининг бажармаслиги корхонанинг иқтисодий, мулкий жавобгарлигига, корхона мансабдор шахсларининг маъмурий ёки бошқа ҳуқуқий жавобгарлигига сабаб бўлиши мумкин. Меҳнат шароити ноқулай ишларга қабул қилинаётган шахслар дастлабки тарзда ва кейинчалик мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши лозим. Меҳнат шароитлари ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиш лозим бўлган ишларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланиши кўрсатиб қўйилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги "Имтиёзли шартлар билан пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 250-сонли қарори билан тасдиқланган²

¹ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси. 2012 йил, 200-сон.

² Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси. 2000 йил, 12-сон, 126-145-бетлар.

Ана шундай ишларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи сонли рўйхатларида меҳнат шароити зарарли ва ноқулай бўлган ишларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган. Бизнинг назаримизда мазкур рўйхатларда кўзда тутилган ишларга қабул қилинаётган шахслар тиббий кўрикдан ўтказилишлари лозим.

Ташкилий ҳуқуқий асосда меҳнатни муҳофаза қилишнинг чоралари шунингдек ходим ишлайдиган корхонанинг ички йўриқномасида белгиланиши асосида ҳам амалга оширилади. Ички йўриқномада белгиланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бевосита Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунга мувофиқ ишлаб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги қонунининг 19-моддасига мувофиқ "Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан, раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгилаган тартибда ва муддатларда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт. Маъмурият барча янги ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўрганишни ташкил этиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ҳодисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар бериши шарт¹.

Ўта хавфли ишлаб чиқаришларга ёки касбий танлов талаб қилинадиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳон топшириладиган ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестация қилинадиган ўқув ташкил этилади. Маъмурият ходимларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакаси мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт. Ходимнинг меҳнатидан унинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ходим ўзига топшириладиган иш саломатлигига тўғри келмаётганлигини асослантирилган ҳолда маълум қилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни 1993 й., 6 май. (Ахб., № 5, 223-м.)

Мехнат муҳофазаси техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари уч турга бўлинади, улар:

- а) халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун ягона бўлган қоидалар
- б) тармоқлараро қоидалар
- в) тармоқ қоидаларидан иборат.

Мехнат муҳофазасига оид йўл-йўриқларни локал яъни, корхона ва ташкилотнинг ўзида ишлаб чиқилган ҳамда намунавий асосий касбдаги ходимлар учун давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган турларга бўлиш мумкин¹. Мехнат муҳофазаси тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасида меҳнатни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиниш юзасидан ваколатлар белгилаб қўйилган. Ушбу моддага кўра: "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан биргаликда ёки келишгани ҳолда меҳнатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди².

Қушимча кафолотлар меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун бўйича ва меҳнат кодексига асосан белгиланади.

Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт. Ишга қабул қилувчи корхона барча янги ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатишни ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ходисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт. Ўта

¹ Турсунов Й, Усмонова М «Мехнат ҳуқуқи», Дарслик. Т., 2006 йил.

² Ўзбекистон республикасининг Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни 1993 й., 6 май. (Ахб., № 5, 223-м.)

хавфли ишлаб чиқаришларга ёки касбий танлов талаб қилинадиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳонлар топшириладиган ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестациядан ўтиладиган ўқув ўтказилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриқлар бериш ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади.

Ходимларнинг айрим тоифалари хотин-қизлар, ёшлар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар, шунингдек меҳнатнинг оғир ва зарарли шароитларида ишловчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади. Мазкур қонундаги нормалар умумийлик характериға эға бўлиш баробарида, асосан ноқулай меҳнат шароитида зарарли ва ўта зарарли шароитда ишлаётган ходимлар меҳнатининг муҳофазасига қаратилган. Бундан ташқари, унда аёллар, вояға етмаган шахслар, ногиронлар меҳнатини тўлиқ муҳофаза этиш ҳамда меҳнат муҳофазасига оид қонунларға риоя қилинишини назорат этиш кўзда тутилган. Ва ниҳоят, ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликнинг тегишли нормалари орқали кафолатланади¹.

Меҳнат муҳофазасини амалға ошириш чораларидан бири сифатида меҳнат фаолиятида рўй берган бахтсиз ходисалар оқибати ва бундан зарар кўрган ходимларға имтиёзлар берилишида кўришимиз мумкин. Ушбу жараён ҳукумат яъни Вазирлар Маҳкамаси тамонидан тасдиқланган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобға олиш тўғрисидаги низомға асосан амалға оширилади. Бу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини

¹ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси. 2000 йил, 12-сон.

текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартибини белгилайди.¹ Корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифаларини бажараётганда юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, иссиқлик таъсири, портлаш, фалокатлар, иморатлар, иншоотлар ва конструкциялар бузилиши, куйиш, музлаш, қизиш, электр токи ва яшин уриши, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар томонидан, террористик ҳаракатлар натижасида шикастланишлар, шунингдек табиий офатлар (зилзилалар, ўпирилишлар, сув тошқинлари, тўфонлар ва бошқалар) туфайли саломатликнинг бошқа хил шикастланишлар, ўз функционал вазифаларини бажариш юзасидан, шунингдек аварияларнинг, одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ва корхонанинг мулкини сақлаш мақсадида, иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандаги, иш берувчининг топшириғини бажариш учун транспортда ёки пиёда ҳаракатланаётганда, шунингдек меҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш объектлари орасида юриш билан боғлиқ ходимлар билан иш вақтида транспортда ёки пиёда кетаётгандаги, сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситасидаги вахта шаҳарчаси ҳудудидаги ёки ижарага олинган хонадаги бахтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса ёки тиббий ҳулосага мувофиқ енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иш берувчи текшириш тугаганидан сўнг 3 суткадан кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномани бериши керак. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1

¹ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси. 2000 йил, 12-сон.

шаклидаги далолатномани тузиш, бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир. Касаба уюшмаси кўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи 10 кун муддат ичида бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари, меҳнат хавфсизлиги андозалари бузилишини аниқлайди, зарур деб ҳисобласа, иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки қайта тузишни талаб қилади¹. Иш берувчи бу талабларни бажармаса, корхона касаба уюшмаси кўмитаси ёки бошқа вакиллик органи, шунингдек жабрланувчи ёки бошқа манфаатдор шахс давлат меҳнат техника назоратчисига мурожаат қилади.

Қуйидаги бахтсиз ҳодисалар махсус текширилади:

Бир вақтнинг ўзида икки ва ундан зиёд ходимлар билан саломатликка етказилган зарарнинг оғирлиги даражасидан қатъи назар, юз берган гуруҳий бахтсиз ҳодисалар, ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар, оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар. Гуруҳий ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодиса тўғрисида иш берувчи дарҳол схемага биноан қуйидагиларга хабар бериши керак:

давлат меҳнат техника назоратчисига;

юқори турувчи хўжалик органига;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, вилоят (Тошкент шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига;

бахтсиз ҳодиса юз берган жойдаги ҳудудий ички ишлар органига;

бахтсиз ҳодисага учраган ходимни юборган ташкилотга;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига;

Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг маҳаллий органига ва «Ўзэнергоназорат» агентлигининг

^{1 1} Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси. 2000 йил, 12-сон,

худудий органига, агар бахтсиз ҳодиса назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига.

Гуруҳий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар юз берганида иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакиллари таркибида иш берувчининг буйруғи билан ташкил этилган комиссия томонидан Н-1 шаклидаги далолатнома комиссия томонидан махсус текшириш далолатномаси тузилгандан сўнг бир сутка ичида комиссия хулосаларига мувофиқ расмийлаштирилади.¹

Вазирлик, корпорация, уюшма, концерн барча бахтсиз ҳодисаларнинг ҳисобини ва таҳлилини олиб боради, уни ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотларга маълумот учун юборади. Тегишли касаба уюшмаси ёки бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Мехнатни муҳофаза қилишда жамоа шартномаларида белгиланган чораларни ҳам кўришимиз мумкин. Жамоа шартномаларида бевосита мехнатни муҳофаза қилиш белгилаб берилган бўлиб, яъни иш берувчининг мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган.

Иш берувчи:

Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича (шартнома муддатида, ҳар йили) 20__ йилга _____ минг (млн.) сўм маблағни:

- меҳнат муҳофазаси бўйича битим (меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш санитария-соғломлаштириш тадбирлари)га _____ минг(млн.) сўм,

- махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари учун _____ минг(млн.) сўм,

^{1 1} Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кумиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси. 2000 йил, 12-сон,

- сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун _____ минг(млн.) сўм,

- гигиена воситалари (ювиш воситалари ёки совун) учун _____ минг(млн.) сўм цех (бўлим), участка ва ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиққан ҳолда ажратиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Барча режалаштирилган ва ажратишга келишилган маблағлар миқдори жамоа шартномасининг амал қилиш муддати давомида энг кам иш ҳақи миқдорининг ошириб борилишига мутаносиб равишда ошириб борилади.

Меҳнат муҳофазаси бўйича **Битим** календар йил учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2012 йил 3 сентябрдаги 56-66/8-25“о”/01р сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсияларга биноан тузилади ва жамоа шартномасига илова қилинади.

Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати ёки раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

Ўтган йилда ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликлари ҳолати йилнинг биринчи февралигача таҳлил қилиб чиқилади, меҳнат муҳофазасини яхшилаш режаси ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг бажарилишига якун ясалади.

Техника хавфсизлиги хоналари учун оргтехника воситалари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш учун зарур бўлган техник воситалар, ўқув ва кўргазмали қурооллар, тарғибот-ташвиқот воситалари, плакатлар ва бошқа анжомларни сотиб олади.

Корхонани қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ барча тадбирларни 1 октябргача бажаради.

Санитария-маиший бино (хона)ларнинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди.

Ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда суғурта қилади¹.

Ҳар беш йилда камида бир марта Меҳнат шaroитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубият асосида иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича шаҳодат (аттестация)дан ўтказди.

Меҳнат кодексининг 217-моддасига кўра махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминланиш ҳуқуқини берадиган ишларда ишловчи ходимларни жамоа шартномасининг **17-иловаси**да белгиланган рўйхатга мувофиқ, белгиланган муддатларда махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлайди.

Меҳнат кодексининг 117-моддасига мувофиқ ноқулай меҳнат шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилаш ҳамда 137, 138-моддаларига мувофиқ меҳнат шaroитлари ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун йиллик қўшимча таътил бериш² **18 -илова**га мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнат Кодексининг 217-моддасига мувофиқ сут (ёки шунга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат бош санитар врачлари томонидан 2003 йил 6 октябрда тасдиқланган “Меҳнат шaroитлари зарарли ишларда бевосита банд бўлган ходимларга сут ёки шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш учун тиббий

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори. <http://www.gov.uz>

² Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси. <http://www.lex.uz>

кўрсаткичлар”га кўра ходимларга бепул бериш **19-илова**га мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнат Кодексининг 217-моддасига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай, зарарли ва ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда меҳнат қилувчиларга ҳар ойда 400 граммдан совун, гигиена воситалари билан бепул таъминлаш ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқини берадиган касб ва лавозимлар рўйхатини тузиш ва таъминлаш **20-илова**га мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи¹ билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилишини ходимларнинг чиқимдор бўлмаган ҳолда ташкил қилинишини **21-илова** мувофиқ таъминлайди.

Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш тўғрисидаги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган) талабларига биноан ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этади².

“Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 273-рақам билан рўйхатга олинган) талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Низомга биноан корхона ва унинг ташкилий тузилмаларида ишларни ташкил этилишини таъминлайди³.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида”ги низомга кўра сайланган Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни

¹ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кумиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи. <http://www.lex.uz>

² Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш тўғрисидаги намунавий Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган. <http://www.lex.uz>

³ Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 273-рақам билан рўйхатга олинган. <http://www.lex.uz>

сайлангандан сўнг бир ой ичида касаба уюшма қўмитаси иштирокида ўқишини ташкил қилади¹.

Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилнинг ўз вазифаларини иш вақтида бажариши учун ўртача маошини сақлаб қолган ҳолда ҳафтада икки соатдан кам бўлмаган вақт ажратади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича барча тадбирларни молиялаштириш мақсадида белгиланган маблағларни келгуси йил ташкилотнинг харажатлар сметасига киритади.

Ушбу жамоа шарномаларида бедгилаб берилган қоидалар меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган муҳим чоралар бўлиб ҳисобланади.

2-Боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
<http://www.lex.uz>

2.1 Мехнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилилувчи давлат органлари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш тартиби меҳнат кодексининг 9-моддасида белгилаб берилган. Унга кўра Меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни қуйидагилар амалга оширади:

- 1) шунга махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;
- 2) касаба уюшмалари.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текширишни қонунда белгиланган тартибда амалга оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига² асосан меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш, меҳнат муносабатларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатни

¹ Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси. <http://www.lex.uz>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори, www.press-service.uz,

муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

иш берувчилар томонидан меҳнатга оид қонун ҳужжатларига, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;

эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига амалий ёрдам кўрсатиш, камхарж оилаларга нафақалар ҳамда моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган тартибга риоя этилиши мониторингини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни¹ ҳамда Меҳнат Кодексига кўра (26-модда) касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ҳам иш берувчи томонидан қонунларга амал қилинишини кузатиб бориш, қонун бузилиш ҳоллари юз берганида уларни бартараф этилиши юзасидан тегишли чоралар кўриш ваколати берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига кўра: “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат”².

“Прокуратура тўғрисида”ги қонунга кўра прокуратура органлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхона ҳамда ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий-норматив ва бошқа ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун, <http://www.lex.uz>.

² Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, 2001 йил. <http://www.lex.uz>.

қонунларга мувофиқлигини назорат қиладилар, шу билан боғлиқ текшириш ишларини амалга оширади.

Ана шу мақсадда прокурор ўз ваколати доирасида корхоналарга кириш, ҳужжатлар билан танишиш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, мансабдор шахслардан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, қонун бузилиши ҳолати аниқлангани тақдирда уларни бартараф этилиш юзасидан зудлик билан зарур чораларни кўради ва шунга мос ваколатларга эгадир.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасига кўра: “Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди¹.

Прокурор қонунларга оғишмай ва бир хилда амал қилишни умумий назорат қилиш чоғида қонунбузарлик ҳолатининг бартараф қилишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатларини қабул қилади ва улар: протест, қарор, тақдимнома, судга ариза билан мурожаат қилиш, огоғлантириш кабилардан иборатдир. Меҳнат қонун ҳужжатларига амал қилишни текшириш ва назорат қилишдан кўзланган мақсад қонунийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг конституция ва қонунлар билан белгиланган ҳуқуқларини кафолатлашдан иборатдир. Меҳнат соҳасидаги давлат бошқаруви ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бундай органлар қаторига Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тармоқ вазирликлари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари киради.

Меҳнат соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, 2001 йил. <http://www.lex.uz>.

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги саналади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг махсус ваколатли давлат органи сифатидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган ушбу вазирлик тўғрисидаги Низомида кўрсатилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш энг биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тамондан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги меҳнат, бандлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатни амалга оширувчи республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди. Вазирлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисидаги низомга амал қилган ҳолда амал ошради. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий бўлинмалари, тасарруфидаги бошқа ташкилотлар орқали ҳал қилади.

Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Вазирлик ва унинг бўлинмаларининг моддий-техника таъминоти, шунингдек Вазирлик тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ҳисобига ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини

мустаҳкамлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли устуворликларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш; меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни, меҳнат муносабатлари, меҳнатни моддий рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. давлат ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш механизмининг ишлаши бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади; манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнат шaroитларини баҳолаш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун қонунчилик базасини яратиш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва қайта кўриб чиқишини, келишилиши ва тасдиқланишини ташкил этади, иш ўринларини меҳнат шaroитлари юзасидан аттестациядан ўтказишда методик ёрдам кўрсатади; фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш мажбуриятларининг иш берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилади; иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг шикаст етказиш хавфи бўйича аттестациядан ўтказиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун юридик шахсларни аккредитациядан ўтказди, шунингдек уларнинг мутахассисларини ўқитади ва аттестациядан ўтказди; меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш, бандлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан белгиланган тартибда давлат назорати ва текширувини амалга оширади; вазирликлар ва идоралар иштирокида меҳнат,

бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади¹.

Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларидаги фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига меҳнатга ҳақ тўлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини бошқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улар учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ахборотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Вазирлик ҳайъати мажлисларида вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар масъул ходимларининг Вазирлик ваколатига тегишли масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

меҳнат, бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкилотларга жарима солиш, шунингдек мансабдор шахсларга маъмурий жазолар бериш;

ташкилотлар фаолиятини ҳамда меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ходимлар соғлиғи ёки ҳаётига хавф туғдирадиган ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни улар меҳнат хавфсизлиги талабларига

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида низом.
<http://www.lex.uz>.

мувофиқлаштирилгунга қадар ўз ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб туриш;

илмий муассасаларни, олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан хорижий олимлар ва мутахассисларни Вазирлик ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилишга шартнома асосида жалб этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг меҳнат, бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган буйруқлари ва бошқа ҳужжатларини бекор қилиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш¹.

Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир бошчилик қилади. Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосарлари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига ҳамда Вазирликка бўйсунадилар ва ҳисобот берадилар. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан амалга оширилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида низом.
<http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомга асосан амалга оширади¹. Ушбу низомда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармасининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги белгиланган. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Вазирликка меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида юкланган вазифалар Бошқарма томонидан бевосита ёки унинг қуйи турувчи Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекциялари орқали амалга оширади. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Вазирликнинг буйруқлари ва фармойишларига амал қилади. Бошқарманинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда мулкчилик шаклларида ва ташкилий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низом. <http://www.lex.uz>.

шаклларидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар, шунингдек иш берувчилар ҳисобланадиган жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбур ҳисобланади. Бошқарманинг тузилмаси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан, ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқланади. Бошқармани Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, аynи бир вақтда Ўзбекистон Республикаси бош давлат меҳнат техник инспектори ҳисобланадиган бошқарма бошлиғи бошқаради. Бошқарма бошлиғининг бир ўринбосари бўлади. Бошлиқ ўринбосари аynи бир вақтда меҳнат шароитлари бўйича бош давлат эксперти ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Бошқарманинг бош мутахассислари тегишли равишда Вазирликнинг давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари ҳисобланадилар.

Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

меҳнат шароитлари хавфсизлигини таъминлашда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид таклифларни ва барча ташкилотлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона талабларни ишлаб чиқиш;

ходимларни хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда профилактика ишларини амалга ошириш ҳамда кўмаклашиш ва уларни меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳолини, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликлари сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасига

Вазирликнинг кўрсатиб ўтилган йўналишларда амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги мунтазам ахборотини тайёрлаш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш;

меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини сифатли аттестациядан ўтказиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ногиронларга ижтимоий инфратузилма объектларидан тўсқинликсиз кириши, шунингдек транспортнинг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланишга доир қисмига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш киради.

Ходимларнинг хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда кўмаклашиш ва уларни меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасидақуйидагиларни амалга оширади:

Иш берувчилар томонидан ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича тўловларнинг амалга оширилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади;

манфаатдор органлар билан ўзаро ҳамкорликда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштиради;

мутахассисларни жалб этган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказди;

оммавий ахборот воситаларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низом. <http://www.lex.uz>.

Бошқарма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишнинг аҳволини ўрганиш ва текшириш, ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида ташкилотлар ва ходимлардан ахборотлар, маълумотлар ва тушунтиришлар сўраш ва олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш масалаларига тегишли бўлган ҳужжатлар ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрганиш, мансабдор шахслардан аниқланган меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф қилишни, текшириш вақтида бирорта иншоотда, асбоб-ускунада ёки меҳнатни ташкил қилишда аниқланган қоида бузишлар ва камчиликлар ходимларнинг соғлиғига ва хавфсизлигига хавф туғдирса, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўришни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади. Мансабдор шахслардан ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этишни, ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириш учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчилар ташиш транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиш учун ногиронларга шароитлар яратишни таъминлаш мақсадида текширишлар давомида аниқланган бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўришни талаб қилиш, ходимларнинг соғлиғи ёки ҳаётига хавф туғдирадиган меҳнат хавфсизлиги талабларининг бузилиши аниқланганда айрим ишлаб чиқаришларни ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни белгиланган тартибда тўхтатиб туриш, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари

томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, йўл қўйилган қоида бузилишларни бартараф этиш ҳукуқига эга бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш ҳақида ёзма кўрсатма бериш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари ҳақида протоколни ва белгиланган шакл бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши учун жарима солиш ҳақидаги қарорни расмийлаштирган ҳолда айбдор мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, юқори ташкилотга меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларида айбдор бўлган ташкилотлар ва мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш тўғрисида таклифлар билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини, шунингдек уларнинг вужудга келишига имкон яратувчи шароитларни бартараф этиш ҳақида тақдимнома киритиш, ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириш учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортларидан, шаҳарлараро автомобиль транспортидан, барча турдаги шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчи ташиш транспортидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиш учун ногиронларга шароитлар яратиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни бажармаганлиги учун ташкилотга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солиш, ташкилотлар томонидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича белгиланган қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, ташкилотларда меҳнат шароитларини экспертиза қилиш ва белгиланган шакл

бўйича хулоса бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирликка киритиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги норматив-техник ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш бўйича таклифлар киритиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус текширишлар ўтказиш ёки текширишларда қатнашиш, ташкилотларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассисларини меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича аттестациядан ўтказиш юзасидан республика имтиҳон комиссиялари ҳамда давлат ва хўжалик бошқарув органлари ишида иштирок этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқишдан, йўриқномалар ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишдан четлатиш тўғрисида таклифлар киритиш, меҳнат шaroитлари ва ускуналарнинг шикастлаш хавфлилиги бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказишни амалга ошириш соҳасидаги юридик шахсларни аккредитациядан ўтказиш, ходимларни соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитлари билан таъминлаш масалалари бўйича ходимлар ва меҳнат муносабатларининг бошқа субъектлари мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда ходимлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича зарур материалларни сўраш ва олиш каби ҳуқуқларга эга. Бошқарманинг мансабдор шахслари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши юзасидан жавоб берадилар.

2.2. Меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш усуллари ва тартиби .

Ўзбекистон Республикасида меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш усуллари деганда, меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қиладиган ваколатли давлат органлари тамонидан амалга ошириладиган фаолият тушинилади. Меҳнат қонунчилигига риоя этилишини яъни меҳнат соҳасида олий мажлис тамондан қабул қилинган қонунлар

Президентимиз тамонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ва бошқа меҳнатга оид норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган норма ва қоидаларга бутун республика ҳудудида амал қилинишини назорат қилиш учун ушбу фаолият билин шуғулланадиган махсус давлат органлари ташкил қилинган. Меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш 2 усулда амалга оширилади яъни:

Махсус ваколатли давлат органлари тамондан.

Умумий назоратни амалга оширадиган органлар тамонидан .

Махсус ваколатли давлат органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тамонидан олиб бориладиган фаолиятни кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишдаги фаолиятини “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисида” ги низомга мувофиқ олиб боради. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилаб беради. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш соҳасида Вазирликка юкланган вазифалар Инспекция томонидан бевосита ёки қуйи турувчи Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари инспекциялари орқали амалга оширилади. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва

фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Вазирликнинг буйруқлари ва фармойишларига амал қилади. Инспекциянинг меҳнат ва аҳоли бандлиги масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, бошқа ташкилотлар томонидан, шунингдек иш берувчи ҳисобланадиган жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбур ҳисобланади.

Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

меҳнат, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланишини таъминлаш ҳамда меҳнатга оид муносабатларни, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларида тақиқланган мажбурий меҳнатни ҳамда меҳнатга оид муносабатлар соҳасидаги камситишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши бўйича ахборот-тушунтириш ва ҳуқуқий тарбия ишларини амалга ошириш.

Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади.

Меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида қўйидагиларни амалга оширади:

ташкilotлар томонидан меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

меҳнат тўғрисидаги келишувлар ва локал ҳужжатларнинг, иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатлар масалалари бўйича буйруқларининг меҳнатга доир қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таҳлил қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида:

меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг, шу жумладан касаначилик шароитларида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ходимларнинг ҳамда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол боқишаётган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

аниқланган меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва имкон яратган шарт-шароитларни бартараф этиш учун ҳуқуқий таъсир чораларини кўради;

касаба уюшмаларига ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида уларга берилган ҳуқуқларни амалга оширишда ёрдам беради, шунингдек иш берувчиларнинг уларга риоя этишларини назорат қилади;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан ташкilotлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади.

Қонунда тақиқланган мажбурий меҳнат ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасидаги камситишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик соҳасида:

айрим тоифадаги ходимлар (аёллар, вояга етмаганлар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, ногиронлар, Ҳарбий Кучлар

сафларидан бўшатишганлар ва бошқалар) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларига риоя этилишини назорат қилади;

мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ва камситишнинг аниқланган ҳар бир ҳолати бўйича ҳуқуқий таъсир чораларини кўради ва қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари тўғрисида тегишли давлат ҳокимияти органларини хабардор қилади.

Меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши бўйича ахборот-тушунтириш ва ҳуқуқий тарбия ишларини амалга ошириш соҳасида:

ташкилотлар мутахассислари ва аҳоли учун семинарлар, тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказди;

оммавий-ахборот воситаларида ва аҳоли ўртасида меҳнат ҳуқуқи муносабатлари ҳамда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади.

Инспекция қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкилотларда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўрганиш ва текшириш ўтказиш;

ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида ташкилотлар ва ходимлардан ахборотлар, маълумотномалар ва тушунтиришларни сўраш ва олиш;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш масалаларига тегишли бўлган ҳужжатлар ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрганиш;

ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслардан аниқланган меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари бартараф этилишини талаб қилиш;

ташкilotларнинг меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид бўлган буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш, зарур ҳолларда эса белгиланган тартибда уларни бекор қилиш бўйича Вазирликка таклиф киритиш;

ташкilotлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги протоколни ҳамда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги юзасидан жарима солиш тўғрисидаги қарорни белгиланган шакллар бўйича расмийлаштирган ҳолда айбдор мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган ташкilotлар ва мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш тўғрисидаги таклифлар билан меҳнат, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва имкон яратган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида юқори ташкilotлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдимномалар киритиш;

ташкilotга меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарималар солиш чораларини кўриш;

ташкilot ва ходим (ходимлар) ўртасидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш;

амалдаги меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирликка киритиш;

ходимлар ва бошқа меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли қисми бўйича муурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

ходимлар ва бошқа меҳнатга оид муносабатлар субъектларининг муурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этиш учун ташкилотларни уларнинг вакилларини таклиф этиш каби ҳуқуқларга эга.

Инспекциянинг меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилувчи мансабдор шахслари ўз ваколатларини амалга оширишда:

давлат органларидан мустақилдирлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига амал қиладилар;

фуқароларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ҳамда бошқа ахборотларни, агар бу фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйса, ошкора қилишга йўл қўймасликка мажбурдирлар.

Инспекциянинг ташкилий тузилмаси Вазирликнинг, ҳудудий бошқармаларнинг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларидан иборат бўлади. Инспекциянинг тузилмаси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан, белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқланади.

Қуйидагилар меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга оширадилар:

айни бир вақтда Вазирликнинг бош давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ҳисобланадиган Инспекция бошлиғи;

Вазирликнинг давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ҳисобланадиган Инспекция бош мутахассислари;

тегишли ҳудудий бошқарманинг бош давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ҳисобланадиган ҳудудий бошқарманинг Инспекция бошлиғи;

тегишли ҳудудий бошқармаларнинг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари ҳисобланадиган ҳудудий бошқармалар Инспекциясининг бош мутахассислари; туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари.

Инспекцияга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Инспекция ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан тасдиқланадиган иш режалари асосида амалга оширади.

Ҳудудий бошқармалар инспекциялари ушбу ҳудудий бошқармаларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланади, уларга Инспекция бошлиғи билан келишган ҳолда тегисли ҳудудий бошқармалар раҳбарлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган инспекциялар бошлиқлари (бош инспекторлар) раҳбарлик қиладилар. Ҳудудий бошқармаларнинг бош давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари лавозимига олий юридик маълумотга ва мутахассислиги бўйича камида уч йил иш стажига эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин. Ҳудудий бошқармалар инспекциялари бошлиқлари тегисли ҳудудлар доирасида:

ҳудудий бошқармалар ҳамда туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларига раҳбарлик қиладилар, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирадилар;

қуйи давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторларининг илгари қабул қилинган ёзма кўрсатмалари, тақдимномалари, қарорлари, шунингдек бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда уларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар;

Вазирликнинг, Инспекциянинг кўрсатмалари, ҳудудий бошқармалар раҳбариятининг буйруқлари, фармойишлари ва талабларининг зарур даражада бажарилишини таъминлайдилар;

ўз ваколатлари доирасида туманлар (шаҳарлар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар ва топшириқлар берадилар;

ҳудудий бошқармалар инспекцияларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавоб берадилар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва юқори органлар қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни бажарадилар.

2. Умумий назоратни амалга оширадиган органлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унинг тизими амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди”¹ деган сўзлари ҳаётда ўз исботини тўла тўқис топмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 16-б.

Прокуратура органларининг вазифа ва ваколатлари, ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш, қонунийликни қарор топтириш юзасидан амалга оширадиган ишлари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида белгилаб берилган¹. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг (бундан буён матнда прокуратура органлари деб юритилади) асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Прокуратура органлари меҳнат қонунларига барча корхона, муассаса, ташкилотларда оғишмай амал қилиниши устидан умумий назоратни амалга оширадилар, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқадиладар ҳамда шу асосда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан ўз ваколатлари доирасида машғул бўладилар. Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиладар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадиладар. Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади. Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб этиш ҳуқуқига эга.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, 2001 йил. <http://www.lex.uz>.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

2.3. Жамоат назоратининг Мехнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишида жамоат назоратининг ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бўйича маърузасида бевосита фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтган. Ушбу концепцияда олти устувор йўналиш белгиланган бўлиб, ундаги бешинчи бўлим Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш деб номланган. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Нуроний" жамғармалари, "Ижод" фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин. Юқорида такидлаб ўтилган фикр ва таклиф асосида Ўзбекистон

Республикасининг Конституциясининг 32-моддасига кўшимча киритилди. Унга кўра Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланди¹.

Мехнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишда ҳам жамоатчилик ва фуқаролик назорати институтлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган **"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни** қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун

¹ (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 32-модда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-366-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2014 й., 16-сон, 176-модда)

мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур.¹ Шу нуқтаи назардан қараганда, Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши кераклиги такидлаб ўтилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институтлари орасида касба уюшмаларнинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қоидаларига риоя устидан жамоат текширувини касбс уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари амалга оширадилар.

Касаба уюшмалари ходимлар номидан вакиллик қилувчи асосий жамоат бирлашмасидир ва ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида уларнинг ўрни ва мавқеи юқоридир. Касаба уюшмаларининг ходимлар вакиллик органи сифатидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Меҳнат Кодексида, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилган. Касаба уюшмаларининг ходимлар вакиллик органи сифатида фаолият олиб бориш шакл ва усуллари хилма-хилдир. Корхона меҳнат жамоаси ходимлар вакиллик органи сифатида муайян ҳуқуқларга эгадир. Меҳнат жамоасининг ходимлар вакиллик органи сифатидаги мақсад, вазифа ҳамда ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида, бошқа қонун ҳужжатларида, корхона жамоа шартномасида ва бошқа локал меъёрий ҳужжатларда белгиланади. Корхона ва ташкилотларда ходимлар жамоаси касаба уюшмалари билан бир қаторда бошқа вакиллик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010.й

органини ҳам ташкил этишга ҳақлидирлар. Корхонада бошқа вакиллик органи ташкил этилганлиги касаба уюшмаси фаолиятига тўсқинлик қилмайди. Корхоналарда иш берувчининг ва ходимларнинг манфаатларини битта вакиллик органи ифода қилиши тақиқланади. Бундай чеклов белгиланишидан мақсад манфаатлар тўқнашуви юз берганда холисликни таъминлашдан иборат. Ходимларнинг вакиллик органи фаолияти қонун ҳужжатларига биноан тугатилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунга кўра Касаба уюшмалари фаолияти у қонунга зид хатти-ҳаракатлар содир этганлиги туфайли тугатилиши мумкин. Ходимларнинг бошқа вакилик органлари уларни сайлаган ходимлар жамоаси қарорига кўра тугатилиши мумкин.

Касаба уюшмаси - кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

Меҳнаткашлар, шунингдек олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган шахслар ҳеч қандай тафовутсиз ўз хоҳишларига кўра ва олдиндан ижозат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқига, шунингдек уставларга риоя этиш шарти билан касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнаткашлар корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ва бошқа иш жойларида касаба уюшмалари тузишга ҳақлидирлар. Ишламайдиган пенсионерларнинг касаба уюшмаси аъзолигига кириш ёки ундан чиқиш тартиби касаба уюшмаларининг уставлари билан йўлга солиб борилади. Касаба уюшмалари ихтиёрийлик асосида республика ва бошқа ҳудудий ҳамда тармоқ бирлашмалари тузишлари, шунингдек уларга киришлари мумкин. Касаба уюшмалари давлат идоралари, хўжалик ташкилотлари, кооператив ва ўзга жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатларда касаба уюшмалари тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ касаба уюшмаси

аъзоларининг ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳадаги манфаатларини кўзлаб иш олиб боради ва уларни ҳимоя қилади.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади. Касаба уюшмалари мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уюшма тузилишини белгилайдилар, раҳбар идораларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил этадилар, йиғилишлар, конференциялар, пленумлар, курултойлар ўтказадилар. Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг касаба уюшмаларига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг қонунларда кафолат берилган меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари бирон бир тарзда камситилишига сабаб бўлмайди. Меҳнаткашларни ишга қабул қилиш, хизмат поғоналарига кўтариш, шунингдек ишдан бўшатиш учун муайян касаба уюшмасига мансубликни, унга кириш ёки ундан чиқишни шарт қилиб қўйиш тақиқланади. Касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш унинг аъзолари қарори асосида уставда белгиланган тартибда амалга оширилади. Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган ҳолларда бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланиши мумкин. Касаба уюшмалари фаолиятини бошқа бирон бир идоранинг қарори билан тақиқлашга йўл қўйилмайди. Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва

фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар мазкур жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий ҳолати асосларини белгилаб беради. Қорақалпоғистон Республикасида касаба уюшмаларини тузиш, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳақлидир. Давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор меъёрий ҳужжатларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиладилар. Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этадилар, аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсати ишлаб чиқилишида қатнашадилар. Корхоналарда ишдан ҳоли этиб олинadиган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қонунлар асосида жамоа шартномасида белгилаб қўйилadиган чораларини таклиф этадилар. мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идорасининг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб келadиган корхонани ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тегишли касаба уюшмалари камида уч ой олдин хабардор қилиб қўйилган ва улар билан меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Касаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳолини ва бу соҳадаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб боради. Касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан жамоа

музокаралари олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда устувор ҳуқуққа эгадирлар, уларнинг бажарилишини назорат қиладилар.

Касаба уюшмаларининг меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитига, уларни ижтимоий суғуртага, уларни соғлиқни сақлаш ва маданиятга тааллуқли манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари билан тартибга солинади. Касаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорини аниқлашда қатнашадилар, қонунда белгилаб қўйилган кун кечиришнинг энг паст даражасига ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорига риоя этилишини назорат қиладилар. Касаба уюшмаларининг бирлашмалари шу масалалар юзасидан тегишли давлат ва ҳўжалик идоралари билан битим тузиши мумкин.

Касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини назорат қилиб боради, аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақлидир. Маъмурият меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунлар бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари тўғрисида бир ой муддат ичида касаба уюшмасига хабар қилиши шарт. Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда касаба уюшмалари ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур идораларга эга бўлиши мумкин¹. Касаба

¹ (Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун.11-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги 320-II-сон Қонуни таҳририда, — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда)

уюшмалари касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли қарорлар қабул қилади. Касаба уюшмалари меҳнатга доир амалдаги қонунларнинг жамоа шартномаси, битими шартларининг бузилиши, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд шарт-шароитларини ўзгартириш билан боғлиқ масалаларга доир жамоа меҳнат низоларини кўриб чиқишда қатнашади. Касаба уюшмалари маъмуриятдан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви идораларидан меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгилаб қўйилган статистика ҳисоботи доирасида бепул маълумотлар олишга ҳақлидир.

Маъмурият жамоа шартномаси шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда касаба уюшмалари ана шу қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга тақдимнома киритишга ҳақлидир, бу тақдимнома бир ҳафта муддатда кўриб чиқилади. Маъмурият касаба уюшмаларининг бу талабини бажаришдан бош тортган ёки юқорида айтилган муддатда ўзаро битимга келишилмаган тақдирда, келишмовчиликлар жамоа меҳнат низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги қонунларга мувофиқ кўриб чиқилади. Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда маъмурият билан меҳнат жамоаси ёки касаба уюшмалари ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга доир масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига тўла мувофиқ ҳолда қараб чиқилади. Касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аҳолининг кўчиб юриши, иш билан таъминланиши, меҳнат, нарх-наво белгилаш ва ижтимоий таъминот масалаларига доир давлатлараро битимлар тузилишида, халқ депутатлигига номзодлар кўрсатилишда, сайлов мавсумида уларни қўллаб-қувватлашда иштирок этишлари мумкин.

Давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этишлари, уларнинг фаолият кўрсатишларига кўмаклашишлари шарт.

Касаба уюшмалари давлат, хўжалик, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайдилар, ўз навбатида улар ҳам касаба уюшмаларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайдилар. Касаба уюшмаси бюджети маблағининг манбалари, маблағни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби касаба уюшмалари уставида белгилаб берилади. Касаба уюшмаларининг молиявий фаолияти уларнинг ўз уставларига мувофиқ амалга оширилади. Касаба уюшмаларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг манбалари, улар олган маблағ миқдори ва тўлаган солиқ миқдори давлат молия идоралари ва солиқ инспекциялари томонидан қонунларга мувофиқ равишда назорат қилинади. Касаба уюшмалари ўз уставларида қайд этилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ равишда белгилаб қўйилган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, касаба уюшмаларининг банкларини, суғурта ва акционерлик жамиятларини, қўшма тижорат корхоналарини барпо этиш, ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, турли фондлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Корхона маъмурияти касаба уюшмаларига уларнинг фаолияти учун зарур бўлган жиҳозланган биноларни фойдаланиш учун текинга беради, биноларни бериш шартлари маъмурият ва касаба уюшмалари иштирокида меҳнат жамоасининг қарори билан белгиланади. Жамоа шартномаси тузиш чоғида қабул қилинган қарорга мувофиқ корхона касаба уюшмаларига ўз балансида турган ёки ўзи ижарага олган бинолар, хоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмирлар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларини бепул фойдаланиш учун беради. Корхона касаба уюшмаларига жамоа шартномасида белгиланган мақсадлар учун

қонунларда белгилаб қўйилган миқдорда маблағ ўтказди. Корхонада иш олиб борадиган касаба уюшмаларининг фаолияти учун бошқа моддий шароитларни яратиш жамоа шартномаси билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 268-моддасида меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига белгилаб қўйилган. Ушбу моддага асосан қуйидагилар судга мурожаат қилиши мумкин.

1) ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;

2) меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори;

3) иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;

4) прокурор.

Меҳнат кодексининг 268-моддасида меҳнат низосини судда кўриш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси белгилаб берилган. Булар қуйидагилар: 1. Ходим. Меҳнат қонунчилигига кўра меҳнат низолари юзасидан даъво қўзғатиш ҳуқуқига 16 ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар. Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг қонуний вакиллари ҳам иштирок этиши мумкин. Бундан ташқари, ходимнинг муанфаатини ҳимоя қилиб, танлар ҳам даъвогар бўлишлари мумкин, чунки улар шу ёшдан бошлаб ишга қабул қилинишлари тчиликларни камраб олади. нган касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Меҳнат низолари комиссияси чиқарган қарордан ходим рози бўлган тақдирда ҳам корхонадаги ходимлар вакиллик органи ушбу қарордан норози бўлган тақдирда унинг юзасидан шикоят қилиши мумкин¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси 268-м. <http://www.lex.uz>

Мехнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори ҳам меҳнат низолари комиссиясининг чиқарган қарори юзасидан ёхуд текшириш давомида аниқланган қонунбузарлик ҳолати юзасидан судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳуқуқдан шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурор фойдаланиши мумкин. У қонунбузарлик аниқланган ҳар қандай ҳолатда судга даъво аризасини киритиш ҳуқуқига эга. Муҳими шундаки, прокурор томонидан судга мурожаат қилиш ҳеч қандай муддат билан чегараланмаган. Бу ҳол ходимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаси кўмитасига ва бошқа ходимлар вакиллик органларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишда, шунингдек ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда бевосита жамоат назоратини ролини оширишни йўлга қуйиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. Жамоат назоратини амалга оширишда биринчи навбатда касаба уюшмаларининг ўрни ва ролини сезиларли даражада ошириш лозим. Чунки корхона ва ташкилотларда ишлаётган ходимлар касаба уюшмаларига бирлашади ва ана шу касаба уюшмалар меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда касаба уюшмаларининг фаолияти белгилаб берилган. Ушбу қонунда белгиланган касаба уюшмаларининг ваколатларини ошириш, шунингдек корхоналарда меҳнат муҳофазаси қоидаларига ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишда ҳуқуқларини кенгайтириш ва ушбу фаолиятни амалга оширишда уларга кенг имкониятларни яратиб бериш лозим.

Хулоса.

Хавфсиз меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидандир. Ушбу ҳуқуқларни амалда таъминлаш меҳнат муҳофазасида оид қонун ҳужжатлари талабларини оғишмай бажариш йўли билан рўёбга чиқарилиши мумкин.

Мазкур битирув малакавий иши мавзуси доирасида олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

меҳнат муҳофазаси тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнида хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятини сақланишини таъминлашга қаратилан ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамдавоситалари тизимидан иборат.

Корхона ва ташкилотларда ишлаётган ходимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг 1993-йилдаги меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунига меҳнат муҳофазасининг янги лойиҳаларини киритиш лозим деб уйлайман. Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар. Меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, ходимлар меҳнاتини самарали рўёбга чиқарилишини ҳимоя қилиш, уларга меъёрий, соғлом меҳнат шароитлари яратилишида меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Кодекснинг 21-моддасига кўра, корхонадаги касаба уюшмалари оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлишлари ва бу манфаатларни ҳимоя қилишлари мумкин. Бу органларни сайлаш тартиби, уларнинг ваколатлари муддати ва миқдор таркибини меҳнат жамоасининг йиғилиши белгилайди. Ходимлар вакиллик қилишни ҳамда манфаатларини ҳимоя этишни ишониб топширишлари мумкин бўлган органни ўзлари белгилайдилар. Меҳнат кодексининг 28-моддасида иш берувчиларнинг

вакиллик органларини тузиш, уларнинг фаолияти ва мақсадлари, ҳуқуқлари баён этилган. Бу муносабатлар асосан корхоналарда, муассаса ва ташкилотларда меҳнатнинг шартларини ўрнатиш, уларни қўллаш, жамоа шартномалари ва жамоа келишувларига оид масалаларни ҳал қилиш, корхонани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, меҳнат низолари юзасидан ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналар ва улар мулкларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг, яъни иш бурувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Алоҳида эътибор ва ғамхўрлик қилинаётган ҳуқуқлардан бири, бу – эркин меҳнат қилиш, касб ва машғулот турини ҳеч бир камситишларсиз, мажбурий меҳнатдан тўла холи бўлган ҳолда эркин танлаш соҳасидаги инсон ҳуқуқлари саналади.

Шуни таъкидлаш жоизки, юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган бўлиб, уларда жами иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда замонавий меҳнат бозори шаклланди – мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Буларнинг барчаси меҳнат қонунчилиги, унга амал қилиш, меҳнат муносабатлари соҳасида ҳуқуқларни таъминлаш муҳим вазифалардан эканини кўрсатади ва меҳнат қонунчилигини чуқур билиш, уни амалда қўллай олиш, муаммоларни ҳал этабилиш салоҳиятига эга бўлган юрист мутахассисларни тайёрлаш нечоғлик муҳим эканидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида¹ кўрсатиб қўйилганидек: “Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг зарур шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, N 11-12, 295-модда

интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятларига таянган ҳолда, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир”. Ана шундай шаройитда ишлаб чиқариш жараёнларида ҳодимлар ҳаёти ва саломатлиги, мулкӣ ва шахсий номулкӣ манфаатларини таъминлаш давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифалардан саналади.

Фуқароларга адолатли ва қулай меҳнат шаройитлари яратиш соҳасидаги конституциявий кафолатлар билан боғлиқ меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишни ҳуқуқӣ тартибга солиш мавзуси назарӣ ва амалӣ ўрганилиши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- **биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнат муҳофазасига оид норма ва қоидалар корхона ва ташкилотларда ёлланиб (меҳнат шартномаси тузиб) меҳнат қилаётган ҳодимлар ҳаёти ва саломатлигини самарали муҳофаза қилиш учун етарли даражададир;
- **иккинчидан**, меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик тизими халқаро меҳнат стандартлари ҳамда талабларига мос келади. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид Конвенциялари ратификация қилиниши ва улардаги нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилиниши зарур, чунки, фан ва технологиялар соҳасида эришилаётган замонавий ютуқлар ҳозир амалда бўлган меҳнат муҳофазаси қонунларида етарли эътиборга олинмаган;
- **учинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1993 йилда қабул қилинган қонуни қайта кўриб чиқилиши ва юз берган янгилашлар ҳисобга олингани ҳолда янги таҳрирда қабул қилиниши керак;

- **тўртинчидан**, корхона ва ташкилотларнинг меҳнат муҳофазасига оид локал ҳужжатлари таркиби қайта кўриб чиқилиши, улар томонидан бу соҳада қабул қилиниши мажбурий бўлган ички локал ҳужжатлар рўйхати ва уларга қўйиладиган минимал талаблар қонун ҳужжатлари билан аниқ белгилаб берилиши лозим;
- **бешинчида**, Меҳнат муҳофазасига оид қонунлар устидан давлат назорати кучайтирилиши, унинг самарадорлиги мониторинги ўтказилиши,бу соҳада фаолият юритувчи идоралар ваколатлари ва жавобгарликларои оширилиши керак;
- **олтинчидан**, меҳнат муҳофазасига дойир қонунчилик ижроси устидан жамоат назорати кўлами кенгайтирилиши, касаба уюшмаларининг бу масалалардаги ваколатларини оширилиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов. И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” -Т.: “Ўзбекистон”, 1992 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998, Б-421.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999. – 509 б.
5. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” Халқ сўзи, 2005, 29 январ.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 47.

II. Қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Тошкент: Ўзбекистон, 2012.й
1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, Т., «Адолат», 1999, В боб, 57-69 моддалар.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Т., «Адолат», 1999, В боб, 57-69 моддалар.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Қасаба уюшмалари, уларнинг

ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни,
«Ўзбекистоннинг янги қонунлари», № 6. Т., «Адолат», 1992.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш
тўғрисида”ги Қонуни . 19 сон

5. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги
Қонуни. Янги қонунлар. 8-сон, Т., “Адолат”, 1993 йил.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш
тўғрисида”ги Қонуни. Янги Қонунлар. 13-сон, Т., “Адолат”, 1996 йил

7. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати
тўғрисида” ги Қонуни. Янги Қонунлар. 7-сон, Т., ”Адолат” , 1994 йил.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати
асослари тўғрисида”ги Қонуни. Янги қонунлар, 5-сон, Т., “Адолат”, 1993

йил.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий
ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни. Янги Қонунлар, 5-сон, Т., “Адолат”, 1993

йил.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар
тўғрисида”ги Қонуни. Янги Қонунлар, 27-сон, Т., “Адолат”, 2002 йил.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар
тўғрисида”ги Қонуни. Янги Қонунлар, 25-сон, Т., “Адолат”, 2001 йил.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. Т.,
“Адолат”, 2002 йил.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

14. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари. “Ўзбекистон”, 1997 йил.

15. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Конвенсиялари ва Тавсиялари.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”-ги
Қонуни. Янги Қонунлар, 25-сон, Т., “Адолат”, 2001 йил.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”-ги

Қонуни. Янги Қонунлар, 25-сон, Т., “Адолат”, 2001 йил.

18. “Суд ҳужжатлари ва бошқа оранлар қарорларини ижро қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Янги Қонунлар, 25-сон, Т., “Адолат”, 2001 йил.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартиба солувчи қонунларни қўлланилиши ҳақида”ги Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 18-сонли “Меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилан зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарори.

21. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. Т.: ТДЮИ, 2008. 54-61 бетлар.

II. Ўқув адабиётлари.

1. Турсунов Й., «Меҳнат ҳуқуқи», Ўқув қўлланмаси. Т., «Молия», 1999 йил.

2. Турсунов Й., «Меҳнат ҳуқуқи», Дарслик. Т., «Молия», 2002 йил.

3. Иноятлов А.А. “Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи”.

Т., “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002 йил.

4. Турсунов Й., Усманова М. Меҳнат ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т., “Молия”, 2001 йил.

5. Гасанов М. Ю., Соколов Е. А. «Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси (контракти)», Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёти, биринчи ва иккинчи китоблар, 1996 йил.

6. Гасанов М. Ю., Соколов Е. А. Ўзбекистон Республикасининг янги меҳнат қонунчилиги. Т., 2000 йил.

7. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. “Иш вақти ва дам олиш вақти”. Т., “Ўқитувчи”. 2001 йил.

8. Акбаров А., Турдиев А. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига шарҳлар. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа консерни, 2000.

9. Бердичевский В.С., Акопов Д.Р., Сулейманова Г.В. Трудовое право. Ростов на Дону. «Феникс», 2002 од.

10. Иноятлов А. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик- Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2002, 145-159-бетлар

11. Усманова М.А., Турсунов Ю. Меҳнат ҳуқуқи. Ўқув услубий қўлланма- Т.: ТДЮИ, 2009, 47-49-бетлар.

Интернет сайтлари

<http://www.gov.uz>

<http://www.norma.uz>

<http://www.lex.uz>

<http://www.mehnat.uz>

<http://www.lawbook.ru>